5. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари **Ф.Умаров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BUXORO VILOYATI
HOKIMI
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

2019.20.04. Бухоро шаҳри № 220

Ўлчов асбобларига эга бўлмаган истеъмолчилар учун бир ойда сарфланадиган ичимлик суви ва чиқариладиган оқава меъёрларини тасдиклаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сонли "Уй-жой коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи коллашига боскичма-боскич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиклаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 19-20-сон, 143-модда) ҳамда 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиклаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 30-сон 368-модда; 2017 йил 9-сон 131-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 4 апрель 09/18/252/0995-сон, 2018 йил 4 май 09/18/321/1154-сон, 2018 йил 4 октябрь 09/18/789/1993-сон, 2018 йил 23 ноябрь 09/18/950/2216-сон, 2019 йил 7 февраль 09/19/95/2583-сон) қарорларига асосланиб

ҚАРОР КИЛАМАН:

1. Бухоро вилояти бўйича сув ҳисоблагич қурилмалари мавжуд бўлмаган истеъмолчилар учун ичимлик суви истеъмол қилишнинг ҳамда оқава сувларини чиқаришнинг меъёрлари иловага мувофиқ тасдиклансин.

2. Бухоро вилоят "Сувокава" давлат унитар корхонаси (И.Холмуродов)га:

ичимлик суви ва оқава сув хизматларидан фойдаланадиган истеъмолчиларни қайта хатловдан ўтказиш;

ичимлик сувининг янги меъёрлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталарида эълон килинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 30 майдаги 210-сонли "Ўлчов асбобларига эга бўлмаган истеъмолчилар учун бир ойда сарфланадиган ичимлик суви меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Бухоро вилоят ҳокимининг
2019 йил "20" апрел даги
220 -сонли қарорига
Илова

Бухоро вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси томонидан сув ҳисоблагич қурилмалари мавжуд бўлмаган аҳоли учун ичимлик суви етказиб бериш ҳамда оқова сувларини чиқариш МЕЪЁРЛАРИ

1. Бухоро вилоят аҳолиси учун ичимлик ва оқова сувларидан фойдаланиш меъёрлари

№	Таъминланганлик тури	Меъёр бўйича ичимлик сув сарфи		Меъёр бўйича оқова хизмати	
		Бир одамга кунлик сув сарфи (литр/кун)	Бир одамга ойлик сув сарфи (м3/ой)	Бир одамга кунлик (литр/кун)	Бир одамга ойлик (м3/ой)
Оқова тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонлар учун					
1	Кўча колонкасидан (кўчадаги сув манбаи) сув оладиган хонадон*	65,0	2,0		
2	Ҳовли колонкасидан (хонадон сув тармоғи фақатгина ҳовлида мавжуд) сув оладиган хонадон **	223,0	6,8		
3	Ичимлик суви тармоғига уланган хонадон	270,0	8,2		
Оқова тармоғи мавжуд бўлган хонадонлар учун					
4	Ичимлик суви ва оқова суви тармоғига уланган хонадон	270,0	8,2	270,0	8,2
5	Ичимлик суви, оқова сув ҳамда марказий иссиқ сув тармоқларига уланган хонадон	270,0	8,2	540,0 (2 коэффициент***)	16,4
6	Ичимлик суви, оқова сув ҳамда марказий иссиқ сув тармоғларига уланган хонадон (йўлакли ётоххона)	211,0	6,4	422,0 (2 коэффициент***)	12,8

**) Кўча колонкасидан 50 метр масофагача бўлган барча кўчадаги хонадонлар истеъмолчи деб ҳисобланади.*

***) "Ҳовли колонкаси"дан янги абонентлар рўйхатга олишда фойдаланилмайди, ушбу гуруҳдаги абонентлар келажакда "Ичимлик суви тармоғига уланган хонадон" гуруҳига ўтказилади*

****)Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарорига биноан, марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти мавжуд турар жой ва нотурар жой хоналаридан чиқадиган оқова сув миқдори истеъмолчилари учун вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган қарор билан белгиланган коэффициентга кўра, (барча гуруҳ истеъмолчилари учун 2 коэффициентдан ошмаган ҳолда), маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.*

***Изоҳ:** Кўп қаватли уйларда яшовчи истеъмолчилар учун, юқори қаватларда ичимлик сув етмаслигида, ичимлик сув фойдаланиш меъёри ҳисоби ҳовлидаги колонкалар меъёридан ҳисобланади.*

2. Уй хайвонлари, автоуловлар учун ичимлик суви сарфи

Кўрсаткич номи	Кунлик сув сарфи меъёри (литр/кун)	Ойлик сув сарфи меъёри (м3/ой)
Катта шоҳли қора мол	65,0	1,98
Кичик шоҳли қора мол	25,0	0,76
От	55,0	1,67
Чўчка	15,0	0,46
Қуй, эчки	8	0,24
Паррандалар	0,8	0,03
Автомашина	100	3,04
Бассейнларни сув билан тўлдириш, бассейн ҳажми - V, m3 *		6*V

3. Томорқани суғориш

Кўрсаткич номи	Кунлик сув сарфи меъёри (литр/кун/м2)	Ойлик сув сарфи меъёри (м3/ой/м2)
Йўлаклар ва тротуарларга	0,5	0,02
Дов-дарахт, сабзавот экинлари, газон ва бошқалар, суҳориш учун	15,0	0,46
Иссиқхоналар учун	15,0	0,46

***Изоҳ:** Суғориш мавсуми 1 апрелдан 1 октябргача.*